Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 64 (6. 853) ◎ 1989 йил 17 март, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Кеча Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 16 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш бошланди.

Мунозараларда: КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Потапов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Украина ССРдаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. К. Бразаускас, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, ВАСХНИЛ академиги, Украина ССР Фанлар академияси Экономика илмий тадқиқот институтининг директори И. И. Лукинов, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. В. Власов, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари И. С. Болдирев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳкамов, Қозоғистон ССРдаги Омонгелди номли совхоз механизатори Н. В. Геллерт, «Октябрь» журналининг бош редактори А. А. Ананьев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Гринцов, Ростов областидаги «Путь Ленина» колхозининг механизатори, мураббий — мастери Н. В. Переверзева, СССР минерал ўғит ишлаб чиқариш министри Н. М. Ольшанский, Иттифоқ колхозлар кенгашининг раиси, Москва областидаги Владимир Ильич номли колхоз раиси И. И. Кухарь, ВАСХНИЛ президенти А. А. Никонов сўзга чиқдилар.

Музокараларнинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан катта қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — Владимир Ильич номли Москва электр-механика заводининг йўнувчи-токари В. П. Тихомиров, Харьков шаҳридаги «Малишев номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. А. Петров, «Мосстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Затворницкий, «Ленинград металл заводи» турбинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарларининг бригадири В. С. Чичеров, В. И. Ленин номли Кострома зиғир тола комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат — Ленинград областидаги «Детскосельский» совхозининг сабзавоткор бригадири В. Р. Паршина, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси — Кишиневдаги «Зориле» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси В. С. Одобеску ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитети аъзоси Б. Н. Ельциннинг баъзи нутқ ва мақолаларини муҳокама этиб уларга баҳо бериш тўғрисидаги таклифни киритдилар. Уларнинг фикрича, ана шу нутқ ва мақолалар Марказий Комитетнинг сиёсий йўл-йўриқларига, партиявий ахлоқ-одобга ва КПССнинг Устав нормаларига зиддир.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг аъзоларидан иборат составдаги комиссияга ушбу масалани эътибор билан ўрганиб чиқишни ҳамда ўз хулосаларини КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига маълум қилишни топширишни зарур деб топди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

«Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотини «етиштириш — ташиш — сақлаш—қайта ишлаш—сотиш—истеъмол қилиш» бутун занжирини мутаносиб равишда ривожлантиришни таъминлашимиз керак».

(М. С. Горбачевнинг «КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида»ги докладидан).

Арзончилик ўзимизга боғлиқ

Икки ой бурун беш ярим яшар ўғлим сариқ касаллиги билан оғриб шифохонага тушди. Врачлар парҳез таомлар ва ҳўл мева истеъмол қилишни буюришди. Фарҳод бозорига бордим. Одам гавжум. Ҳамма нарса бор, излаганингизни топасиз.

— Олма қанчадан бўлди? — сўрадим биринчи учраган сотувчидан. Моли кўринишидан ёмон эмасди, лекин бозорнинг олдиси ҳам эмас.

— Беш сўмдан, — жавоб берди у.

— Анорчи?

— Олти сўм.

— Жуда қиммат-ку! Сал инсоф билан-да! Олган одам рози бўлсин...

— Энди ака, бўлгани шу. Олинг деб зўрлаётганим йўқ. Инсоф билан айтяпман. Ана бўлмаса, бозорни бир айланинг, бундайроқларини ҳам «беш»дан уришяпти. Ҳозир қиш, сақлашнинг ўзи бўлмайди.

Сотувчи йигит тўғри айтган экан. Худди келишиб олишгандек, паст тушадиган марди йўқ. Начора, олишга мажбурман. Кимдир бемор кўргани боради, кимдир меҳмон кутади. Бекорчиликдан келмаган.

Бошида бозорчилардан ранжидим. Ҳаммаси олибсотар деган хаёлгача бордим. Кейин мулоҳаза қилиб кўрсам айбдор фақат улар эмас экан. Негаки, «қишда энди қимматроқ бўлади-да», десангиз ўтган йили ёзда ҳам арзончилик бўлди дейишга асос бўлмади. Болалик йилларимни эслайман. Ўртоқларим билан чўмилгани борардик. Қайтишда ўрик, ёнғоқ қоқиб, меъдамизга теккунча ердик. Олмалар кўплигидан ерга тушиб ётарди. Кўчалар эса қип-қизил олчалар билан яшнаб турарди. Бу гаплар узоқ водийда эмас, Тошкентда — Студентлар шаҳарчасида бундан ўн беш-йигирма йиллар бурун бўлганди. Бундай боғ-роғлар шаҳарда ўнлаб топиларди. Энди эса...

Бир курсдошим бор. Рус тили ва адабиёти педагогика институти томонда уйи. Уникига ҳар гал борсам баҳридилим яйрайди. Сабаби, кўчасига бурилишингиз биланоқ жаннатга тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Темирдан бир текисда ишланган ишкомлар, қатор қилиб экилган мевали дарахтлар, катта йўл билан тротуарни ажратиб турган яшил тўсиқлар, ранг-баранг анвойи гуллар, ариқдаги зилол сувлар кишини ўзига ром этмай қўймайди. Беихтиёр ҳовлига киргингиз келмай, ўша ернинг ўзида ором олишни истаб қоласиз. Қани энди ҳар бир маҳалла, кўча шундай бўлса, тўкинчилик, серобгарчилик бўларди, нафас олаётган ҳавомиз яна ҳам мусаффо бўларди. Лекин шундай кўчалар ҳам борки, ҳатто юргингиз келмайди.

Сўнгги пайтларда мевали дарахтларни кўпайтириш тўғрисида кўп гап бўляпти. Гап кўп бўляпти-ю, аммо натижаси кўринмаяпти. Марказий, серқатнов кўчаларга мевали дарахт экиш мақсадга мувофиқмасдир. Аммо қатнов маҳалла кўчаларига кўплаб ўтқазса бўлади-ку.

Ҳар йили баҳорда шаҳримиздаги турли ташкилот ва муассасаларга кўчат экиш нормаси белгиланади. План қандай бажарилаётгани матбуотда эълон қилиб борилади. Факт ва рақамларни кўриб хурсанд бўласиз. «Ўҳ-ҳў, шунча минг-а, чакки эмас», дейсиз. Орадан бир-икки ой ўтади, қанчаси қуриб, қанчаси тутиб кетгани билан кўпчилик қизиқмай қўяди. Муҳими—топшириқ «бажарилди». У ёғи ортиқ қизиқтирмайди. Келаси йили шу ҳол яна такрорланади. Шунақанги шошма-шошарлик, дуч келганини ерга тиқиб кетавериш ўрнига ҳосил берадиганларини кўкартирсак бўлмайдими?

Ҳозир нима кўп, баланд-баланд иморатлар кўп. Аксарияти шаҳар марказида. Шу уйларда яшовчилар кўпинча тоза ҳаво сийраклигидан қийналишади. Ва бозорда қимматчилик бўлса, азобини биринчи навбатда ўшалар тортишади. Ваҳоланки, бундай биноларнинг атрофини кенг майдонлар ўраган бўлади. Ўша ерларга мевали дарахтлар, гуллар экса бўлади-ку! «Ҳа» деган туяга мадор дейдилар. Ҳарна-да. Олма пиш—оғзимга туш, деб кутиб ўтириш билан иш битмйди. Уқувсизликни ўзимиз қиламизда, кейин нолиб юрамиз. Пешона теринг эвазига ҳосил етиштиришга не етсин. Оғзи теккан одам раҳмат дейди. Яна бир муҳим томони, шаҳримиз табиатини мусаффо сақлайди.

Энди икки оғиз шаҳримиздан оқиб ўтадиган сувларга тўхталсак. Илгари ичиш мумкин бўлган сувларнинг эндиликда яқинига йўлаб бўлмай қолди. Сувга оқизилаётган чиқиндиларни айтмаса ҳам бўлади. Шаҳримиз табиатини шунча буздик, бас! Эртага кеч бўлмасидан тузатишга киришайлик. Тегишли ташкилотлар раҳбарлари олдига аниқ талаблар қўяйлик.

◎ БИРИНЧИДАН, шу йилнинг ўзидаёқ барча анҳор ва каналларга чиқинди оқизиш ва ахлат ташлашга қатъий чек қўйиш чораси кўрилса (корхоналарни бирма-бир санаб ўтирмаймиз. Улар жуда кўп). Айбдорларга аёвсиз жазо берилса. Канал ва катта ариқларнинг қирғоғида (15-20 метр кенгликда) мевазор ва гулзорлар барпо этилса.

◎ ИККИНЧИДАН, ҳар бир маҳалла, кўча ва квартални мевали дарахтлар, узумзорлар ҳисобига кўкаламзорлаштирилса. Ариқларга сув олиб келинса (бу ишлар кўпроқ ўзимизга боғлиқ). Ҳар бир массивда ярим гектар бўлсада сайҳонлик ёки фойдаланилмай ётган майдонлар учрайди. Шуларга ҳам мевали кўчатлар экилса. Яъни ота-боболаримиз одати бўйича ёнғоқзор, ўрикзорларни қайта тикласак.

◎ УЧИНЧИДАН: маданият ва истироҳат боғларининг бир қисмини ҳам боғ қилсак. Сув чиқариш қийин бўлган жойларга (махсус машиналарда) ташиб келтирилса.

Ана шунда бир килограмм олманинг нархи янги сўйилган қўй гўштининг баҳосига тенг бўлмасди.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

ТАЪМИНОТДАГИ МУАММОЛАР

Кўп ҳолларда шаҳардаги сабзавот дўконлари олдида навбатда турган деҳқонларни кўрасиз. Картошканинг бозорда килоси 1—1,5 сўмдан бўлгач улар нима қилишсин.

Натижада даладан келган картошканинг бир қисми яна далага қайтади. Бундай ҳол бошқа мева-сабзавотлар савдосида ҳам учрайди. Чунки қишлоқ меҳнаткашларининг ўзлари шу маҳсулотлар билан таъминланмаган. Планни бажариш учун хўжалик раҳбарлари етиштирган маҳсулотларни консерва заводига, бошқа республикаларга жўнатишади. Мева-сабзавот қишлоқ аҳолисига етишмайди. Бу пахтачилик хўжаликларида яққол кўзга ташланади. Уларда меҳнаткашларнинг шаҳарга мева-сабзавот келтиришларидан кўра бу ердан олиб кетишлари кўп. Бунга қанча одам, транспорт овора.

Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан пишиқчилик пайтида колхоз-совхозларда ишчи кучининг етишмаслиги сабабли мева-сабзавотнинг учдан бир қисмигача исроф бўлади. Матбуотда бу нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун хўжаликлар билан келишилган ҳолда махсус автобус-юк машиналари ташкил этиб, шаҳар аҳолисининг кўнгилли ҳолда деҳқонларга ёрдамини ташкил этиш тўғрисида кўп ёзилди. Шаҳарликларга меҳнат ҳаққи ўрнига терилган ҳосилнинг бир қисмини бериш мумкин эди. Аммо ишни бундай ташкил қилиш ҳал бўлмаяпти.

Сабзавот хўжаликлари раҳбарлари ҳозирданоқ бу ҳақда ўйлаб кўрсалар бўларди.

Деҳқонлар меҳнатига ҳақ тўлашдаги ноҳақлик ҳам бартараф этилиши зарур. Улар йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган помидорнинг ҳар бир килосини 10-12 тийин баҳосида топширадилар. Қайта ишлаш корхоналари эса консервалар тайёрлаб, колхозчиларга нисбатан 3—4 баробар кўп даромад олишади. «Тошкент», «Ғазалкент» агрофирма ва агрокомбинатларини ташкил этиш бу муаммони ҳал қилиш йўлларидан биридир.

Маълумки, сабзавот-мевалар тез бузиладиган маҳсулотдир. Шунинг учун шаҳарда сабзавот дўконлари қошида 1—2 та сабзавотларни қайта ишлайдиган цехлар ташкил қилиш, уларда харид қилинмаган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш керак, деган фикрдаман. Бунинг учун савдо ташкилотларига нарх белгилашда кўпроқ мустақиллик бериш лозим.

Н. УСМОНБЕКОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

23-маршрут

◎ «ЖАНУБИЙ» вокзалдан Алгоритм заводига троллейбус қатнай бошлади. Бу 23-маршрутга саккизта троллейбус чиқарилган.

Яқин кунлар ичида Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси 8«а» маршрути ўрнига «Шимолий» вокзал билан «Олимпия» массиви оралиғида қатновчи 20-троллейбус маршрути қатновини ҳам йўлга қўяди.

А. РУСТАМОВ.

Беминнат дастёр

◎ ЧИЛОНЗОР районининг Олмазор массивидаги 1-универсал магазинида пайдо бўлган сут қўйиб берувчи автоматга харидорлар дастлабки кунданоқ юқори баҳо бердилар. Янги аппаратнинг юқори қисмига ўрнатилган холодильник 180 литр сутнинг яхши сақланишини таъминлайди. Уни харидорлар ўзларига кераклича бўлган миқдорда харид этиб олишлари мумкин. Бунинг учун автоматга 10, 15 ёки 20 тийин ташланса бас, аппарат тангангизга қараб идишингизга сутни тўлатиб беради. Магазин директори Эшонхўжа Тошхўжаев ва унинг ўринбосари Александр Пинчук ихтиро қилган бу янгиликнинг иқтисодий самараси эндиликда мутахассислар томонидан сарҳисоб қилинаяпти.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТДА: янги автомат.
Т. Каримов фотоси.

Шубҳага ўрин қолмади

◎ ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти олимлари, халқ ўртасида китоблар излаш жараёнида бир нодир қўлёзмани қўлга киритдилар. Зайниддин Восифийнинг «Бадойи ул-вақоеъ» асарининг Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилган асарлари рўйхатидир. Унга «Бадойи ул-вақоеъ» ҳам киритилган.

— «Биз бу ноёб қўлёзмани илмий экспедиция пайтида Хоразмдан топиб келтирганмиз»,— дейди филология фанлари кандидати Ф. Ғанихўжаев. Яқингача айрим тадқиқотчилар Огаҳий асарини таржима қилганига шубҳа билан қарар эдилар. Зеро, бу таржиманинг топилиши таниқли ўзбек шоири Огаҳий адабий меросини янги бир асар билан бойитди.

Б. ВАЛИЕВ.

◎ ТЕМУР Саъдуллаев ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдоналаридан бири — «Балогардон» достони асосида тўрт композиция яратди. Улар адабиёт музейидан ўрин олди.

СУРАТДА: достонга ишланган расмлардан бири.

Ҳ. Солиҳов фоторепродукцияси.

«Паранжи сирлари» яна саҳнада

◎ ЎЗБЕК ДАВЛАТ «Ёш гвардия» театри коллективи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб драматургнинг «Паранжи сирлари» пьесасини саҳналаштиряпти.

Спектаклда Мастура ролини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тўти Юсупова, Норбойвачча эса Ўзбекистон ССР халқ артисти Пўлат Саидқосимов ижро этишади.

С. ШОДИЕВ.

«02» хабар беради

Ўтган ҳафта давомида шаҳримизда 528 марта жиноят содир этилди. Жумладан, 43 та босқинчилик, 177 та шахсий мулк, 63 та квартира ўғирлиги, 74 та безорилик, 14 та наркотик моддаларни сақлаш, 35 та автотранспортни ҳайдаб кетиш ҳоллари рўйхатга олинди. Улардан баъзиларини диққатингизга ҳавола этамиз.

◎ 11-«Висотстрой» трести омборхонасидан 8 та электр жиҳозлари йўқолди. Ушбу жиноий иш бўйича олиб борилган қидирув натижасида 1963 йилда туғилган С. И. Логинов ушланди. Текширув вақтида ундан ўғирланган буюмлар топилди.

◎ Ҳамза райони территориясида жойлашган озиқ-овқат магазинларидан бирининг эшигини синдириб магазин ичарисига кириб олган икки номаълум шахс жиноят устида қўлга олинди.

◎ Кечки пайт кўчада қаровсиз қолдирилган ТНА 65—94 номерли «ЗИЛ—131» маркали машина номаълум шахс томонидан ҳайдаб кетилди. Зудлик билан олиб борилган қидирув ўз самарасини кўрсатди. Жиноятчи ушланди, машина жойига қайтарилди.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

Греция пойтахтида ўтган оммавий митинг қатнашчилари «Сўл кучларнинг куни туғди!» деган хитобни баралла айтдилар. Ушбу митинг сўл партиялар, жумладан Греция коммунистик партияси ҳам кирган коалиция ташаббуси билан ўтказилди.

Июнь ойида бўладиган парламент сайловларида овоз беришнинг оддий мутаносиб системасини жорий этиш — коалициянинг асосий талабларидан биридир. Коммунистлар ва бошқа сўл партияларнинг фикрича, ҳозир Грецияда мавжуд бўлган сайлов системаси кичикроқ партияларни нотенг аҳволга қўяди ва бу системани ўзгартириш керак.

* * *

Нью-Йорк штатининг пойтахти бўлган Олбани шаҳрида бўлган намойишда 8 мингга яқин киши қатнашди, бу сўнгги йиллардаги энг катта намойишдир.

Нью-Йоркдан ва штатдаги бошқа бир қанча шаҳарлардан келган кишилар губернатор Марио Куомонинг бюджетдан социал эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағларни камайтириш тўғрисидаги қарорига қарши норозилик билдирдилар. Митинг ташкилотчиларининг фикрича, Куомо маъқуллаган тадбирлар Нью-Йорк штатидаги 17 миллион аҳолининг ижтимоий аҳволини кескин ёмонлаштиради.

* * *

Британияда бошпанасиз қолган кишилар манфаатларини ҳимоя қилаётган «Шелтер» жамоат ташкилотининг фикрича, консерваторлар ҳукумати ҳокимият тепасида турган йилларда Буюк Британияда уй-жой муаммоси фожиали тус олди.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили ана шу мамлакатда 116 мингдан кўпроқ оиланинг бошпанаси йўқ эди, бу 1987 йилдагига нисбатан 3 процент кўпдир. Аммо «Шелтер» раҳбарларининг фикрича, ана шу озайтириб кўрсатилган рақамлар бошпанасизларнинг фожиали аҳволи ҳақида тўла тасаввур бермайди.

«Ёзги» вақтга ўтиш

СССР Ягона вақт ва эталон частоталари давлат комиссияси 1989 йил 26 март якшанба куни Совет Иттифоқи территориясида «ёзги» вақт жорий этилишини маълум қилади.

«Ёзги» вақтга 26 март куни соат 2 да соат милларини бир соат олдинга суриш билан ўтилади.

СССР ҳукуматининг Латвия ССР, Литва ССР, Эстония ССР, РСФСРнинг Астрахань, Калининград, Куйбишев, Киров, Ульянов областларида ва Қозоғистон ССРнинг Уральск областида вақт ҳисобини ўзгартириш тўғрисидаги қарори муносабати билан ана шу территорияларда соат мили сурилмайди. (ТАСС).

Бу ҳақда конференцияда гапирилган эди

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР— ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ

XXVI шаҳар партия конференциясида истиқомат жойларида идеология ишини яхшилаш, ёшлар ўртасида таълим-тарбияни кучайтириш, маҳаллаларда спорт турлари ва оммавий тадбирларни янада жонлантириш, янгича анъаналарни тарғиб қилиш хусусида ибратли гаплар айтилди. «Фрунзе районидаги Авлоний номли маҳалла, Октябрь районидаги Ҳувайдо номли маҳалла, Собир Раҳимов районидаги Мискин номли маҳалланинг энг яхши анъаналаридан фойдаланилди, бу ерларда истиқомат жойларидаги тарбиявий иш яхши олиб борилмоқда».

Конференция минбаридан янграган ушбу сўзлар ҳаммамизни ўйлантиради, албатта. Хўш, ҳозирги кунда шаҳримизнинг кўп сонли маҳаллаларида қандай ишлар олиб борилмоқда? Биз бу ўринда ўша конференцияда тилга олинган Октябрь ва Собир Раҳимов районларида жойлашган маҳалла комитетлари активлари томонидан олиб борилаётган тадбирлар хусусида ўртоқлашмоқчимиз.

Октябрь районида тантанали суратда никоҳ тўйларини ўтказиш, ёшларга паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни топшириш, Совет Армияси сафига кузатиш ва бошқа бир қатор янгича анъаналар жамоатчилик, граждалик ҳолатини қайд этиш бўлими, депутатлик комиссиялари, маҳалла активлари билан узвий ҳамкорликда ўтказилмоқда.

«Янгича анъана ва урф-одатлар — ҳаётга!» ва бошқа мавзуларда Ҳувайдо, «Янги шаҳар», Оқтепа, «Оқлон», Маяковский, Ф. Хўжаев номли маҳаллаларда сермазмун суҳбатлар мунтазам ўтказилади. Район комсомол комитети «Шодлик» никоҳ уйи билан биргаликда ўн беш нафар келин ва куёвнинг никоҳ гувоҳномасини Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамон комсомоллар ёдгорлиги олдида топширди. Барча тўпланганлар қаҳрамон-комсомоллар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эъзозладилар. Райондаги қирқ саккизта маҳалла комитетида ўн иккита лекторий ишлаб турибди. Яъни ҳар тўрт маҳалла битта лекторийга биркитилди. Уларда «Билим» жамияти район ташкилоти билан ҳамкорликда муайян иш олиб бориляпти. Кутубхоналарнинг ўқиш залларида китобхонлар конференциялари ўтказилмоқда.

Райондаги «Янги шаҳар» маҳалласида турар жой ва жамоат биноларини яхши сақлаш, ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, янгича урф-одатларни ҳаётга тадбиқ қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, умри чинор отахон ва онахонларнинг юбилейларини ўтказиш, «Қайнананг — онанг» каби янги келин билан қайнана ўртасидаги иноқликни таъминлаш ишлари ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Маҳалла клуби ана шундай ишлар ўтказиладиган асосий марказидир. Клуб қошида уч лекторий, бичиш-тикиш, машинкада ёзиш, дурадгорлик, ўймакорлик тўгараклари, «Баёт» ансамбли мунтазам ишлаб турибди.

Маҳаллада халқимизнинг азалий анъаналари ва воқелигимизнинг ўзида туғилган замонавий анъаналар бир-бири билан қўшилиб, эскириб қолган зарарли урф-одатлар суриб чиқарилмоқда, ниқоҳ тўйлари қувончли, чиройли, эсда қоладиган қилиб ўтказилмоқда. Маҳаллада янги одатлар ва маросимларни турмушга жорий қилиш билан шуғулланадиган оқсоқоллар кенгаши тузилган.

Истиқомат жойларида халқ университетларининг вужудга келиши ва ривожланиши қонуний ҳодисадир. Масалан, «Янги шаҳар», «Илғор», «Октябрь 40 йиллиги», А. Набиев номли, М. Уйғур номли маҳаллаларда халқ университетлари йигирма йилдан бери фаолият кўрсатади. Дастлабки машғулотларни академик Қори Ниёзий, ёзувчи ва шоирлар Абдулла Қаҳҳор, Қуддус Муҳаммадий бошлаб берган эдилар.

Шунингдек, Собир Раҳимов районидаги «Пахта» маҳалласида ҳам янгича маросимлар кенг қулоч ёймоқда. Бу ерда ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш, никоҳ маросимлари тантанали ўтказилмоқда. Ҳар йили маҳалладан 40—50 йигит ҳарбий хизматга жўнайди ва қайтиб келади. Албатта, уларни кузатиш ва кутиб олиш маросимлари бўлиб ўтади. Маҳаллада энг кўп ўтказиладиган маросим — тўйдир. Тўйларни ўтказишдаги сарф-харажатлар кескин камайган.

Социалистик турмуш нормаларига риоя қилиш юзасидан маҳаллада аёллар ва эркаклар ўртасида асосан кексалар тушунтириш ишларини олиб боришади. Ҳар қандай эр-хотин жанжали маҳалла доирасида муҳокама қилинади.

Маҳалла активи умумий ўрта таълимни амалга оширишда маориф муассасаларига ёрдам кўрсатиб туради. Хулқи ёмон, паст баҳога ўқийдиган болаларнинг ота-оналари ўртасида маҳалла активлари тушунтириш ишлари олиб борадилар. Маҳалла болалари 168, 196, 191-мактабларга қатнашади.

Райондаги «Пахта» маҳалласи билан «Янги Тошкент» маҳалласи ўртасида социалистик мусобақа уюштирилган. Мусобақа шартларига ободончилик, маросимларни ўтказиш, маданий-маиший ишлар каби тадбирлар киритилган.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, уй-жойларни, ҳовлиларни намунали сақлаш бўйича маҳалла аҳолисининг кўнгилли иштироки яхши йўлга қўйилган. Байрамлар, шанбаликлар муносабати билан ҳар бир хонадон ўзи яшайдиган ҳовли, кўчаларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, қабристонни ободонлаштиришда жонбозлик кўрсатади. Бундай пайтларда ҳар бир кўчадан, тупик ва проездлардан аҳолининг 70—80 проценти ҳашарга чиқади. Маҳаллада ҳар йили 200—300 туп кўчат экилади. Маҳалладаги ҳамма кўчалар асфальт қилинган.

Маҳаллада гражданларнинг таклифлари, ариза ва шикоятлари ўз вақтида кўриб борилади. Махсус журнал асосида паспорт режимига риоя қилинади.

Районда ишчи ва хизматчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ишчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ниятида уй-жой бошқармалари, корхона ва ташкилотлар қошида соғломлаштириш шаҳарчалари, волейбол, баскетбол майдони, сузиш ҳавзаси, теннис корти, югуриш йўлакчалари ташкил этилган. Спорт билан мунтазам шуғулланиш учун зарур бўлган шароитларнинг муҳайё этилиши турли касб эгалари, катта ва кичик ёшдаги аҳолининг эътиборига тушди. Соғломлаштириш шаҳарчаларидаги секция ва тўгаракларга қатнайдиганлар кўпайди. Жумладан, сузиш ҳавзаси ишга туширилганидан буён ўн мингдан ортиқ болакай сузиш бўйича етарли кўникма ҳосил қилди.

Райондаги аҳоли турар жойларида мини-футбол, стол тенниси, волейбол секциялари ишлаб турибди. Уларга тажрибали жамоатчи тренер ва инструкторлар раҳбарлик қилишмоқда. Секцияларни янада кўпайтириш, уларнинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. ЖЭКлараро ўтказилаётган шахмат-шашка, бадминтон, хоккей бўйича мусобақалар ҳам спортчиларнинг маҳоратини ошириб бормоқда. 39,36 ва 23-ЖЭКларнинг командалари «Олтин шайба» совринни учун ўтказилган шаҳар мусобақасида қатнашдилар.

Маҳалла комитетларига аъзо бўлган отахон ва онахонлар тадбиркорлик билан бир ёқадан бош чиқариб ишлашмоқда. Чунки маҳаллани гуллаб-яшнатиш, аҳолини ҳар томонлама маънавий камол топтириш улар қўлида. Улар шу маҳаллада туғилиб вояга етган, камол топган ва тобаётган кишилар билан ҳамиша ҳамнафас яшайдилар.

Истиқомат жойларида маданий-маърифий ишларнинг ўзига хос хусусияти шуки, у ердаги тадбирлардан аҳоли қатламининг ҳаммаси — болалар ва ўсмирлар, аёллар ва эркаклар, пенсионерлар, турли касб эгалари хабардор бўлади. Халқ сайллари, кўча байрамлари, тўйлар истиқомат жойларида кенг халқ оммаси қатнашадиган, уларнинг маданий-маиший турмуш шароитлари ва урф-одатларига сингиб кетган азалий-анъанавий тадбирлар ҳисобланади. Ғоявий-тарбиявий ишда бу анъаналардан кўпроқ фойдаланиш замон талабидир.

Хулоса қилиб айтганда, истиқомат жойларида олиб бориладиган маданий-маърифий ишлар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситасидир. У кишиларнинг ўқиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришдан ҳоли бўлган бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, аҳоли қатламининг ижтимоий, миллий ва демографик хусусиятларини ўстиради, маданий ривожланишини таъминлайди, совет турмуш тарзини қарор топтиради. Зотан, маҳаллаларда янгича маросимларни кенг қулоч ёйдириш ҳақида шаҳар партия конференциясида алоҳида таъкидланиши ҳам бежиз эмас.

Ғ. ҒАФУРОВ,
Тошкент Давлат маданият институти доценти, филология фанлари кандидати.

Пойтахт шаҳри саноат корхоналари ҳозир хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат қиляптилар. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи аҳолини замонавий, сифатли кийим-кечаклар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Сўнгги пайтларда мазкур корхонада тикилган плашч ва пальтоларнинг фасонлари энг сўнгги мода талаблари асосида яратилмоқда. Маҳсулотнинг сифатли чиқишида бичиқчиларнинг ҳам ҳиссаси катта. Комсомол аъзоси, фабриканинг 2-бичиш цехи ишчиси Копуни Югайнинг бу ерда меҳнат қилаётганига 2 йилдан ошди. Бугунги кунда ёш ишчи план-топшириқларини муваффақиятли бажармоқда.

Корхоналар социалистик мусобақасида пешқадамликка эришаётган ишчилардан яна бири Тошкент тўқимачилик комбинати 3-филиали тўқувчиси Маҳфуза Шамсиевадир. Маҳфуза филиалда етти йилдан буён меҳнат қиляпти. Илғор тўқувчи юқори хизмат зонасида ишлаб, маҳсулотларини сифатли тўқишга эришяпти. Смена топшириқларини 105—106 процентга бажараётган М. Шамсиева келгусида бошқариш зонасини янада кенгайтириш ниятида.

⊙ СУРАТЛАРДА: бичувчи К. Югай ва М. Шамсиевалар-ни кўриб турибсиз.

Р. Шарипов ва Т. Каримов фотолари.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

Бирлашма яқин йилларгача қолоқ корхоналар қаторида турарди. Планни бажармай, эл-юрт олдида уялавериш коллективга таъсир этиб, ишни қайтадан ташкил этишга қарор қилинди. Янги раҳбарлар хўжалик юритишнинг илғор усулларини қўллаб, экономикани мустаҳкамлаш йўлида изланишди. Биринчи галда меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, иш вақтидан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифатини оширишга эътибор кучайтирилди.

Аввало меҳнат кишиси учун ҳамма шароит яратилмоғи лозим. Ундан фақат меҳнат талаб қилиш инсофдан эмас. Ҳар бир кишининг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун корхона раҳбарлари қайғуриши шарт. Самарали меҳнат қилиш кишининг яхши кайфияти, хотиржамлиги ва саломатлигига боғлиқ. Инсон омили партия ва ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлаётгани ҳам шундан далолатдир.

—Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва меҳнат коллективи кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида, — деди бирлашма бош директори Б. С. Гольденштейн, — йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил қилдик. Ишчилар, мутахассисларнинг фикрини эшитиб, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб чиқдик. Биринчи галда инсон омилига эътиборни кучайтирдик. Цехлардаги ечиниб-кийинадиган хоналар кенгайтирилиб, янги мебеллар билан жиҳозланди. Эски душхона ўрнига сауна-ҳаммом қурдик.

Ҳозирги кунда ишлатилаётган станок, машина, механизмларнинг 60 проценти эскириб, талабга жавоб бермай қолган. Лекин имкони борича ишлатишга, унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Бирлашма шу йил биринчи январдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтди. Дастлабки натижалар чакки эмас. Маҳсулот ишлаб чиқариш плани 109,5 процентга уддаланди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўтган йил январь ойидагига нисбатан 122,9 процентни ташкил этди.

Бирлашманинг бош корхонасида асосан болалар ўйинчоқлари, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларга талаб катта. Товарларнинг сифати яхшиланиши, уларнинг бозорини чаққон қиляпти. Келгусида, аниқроғи, яқин ойлар ичида яна тўрт хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Р. А. Гукасян раҳбарлик қилаётган цехда рўзғорда ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқарилади. Асосан чет эл фирмаларида тайёрланган линияларда плёнкаларнинг бир неча тури тайёрланади. Хом ашё масаласининг тўла ҳал бўлмаётгани учун цех ишида тез-тез узилишлар бўлмоқда. Белгород шаҳридан келтириладиган махсус кукунсифат хом ашёнинг ўз вақтида жўнатилмагани учун 40 минг сўм зарар кўрилди. Тўғри, ишчилар ой охирида икки эмас, уч сменада ишлаб бўлса ҳам планни бажаришлари мумкин. Лекин бу ноҳуш ҳол турғунлик йилларининг қолдиғидан бошқа нарса эмас. Шу ўринда жиддий фикр юритиш керак. Хўжалик ҳисобига ўтиш билан корхоналар таъминоти эътибордан четда қолиши керак эмас.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Ташмачиларга ғов қўйилсин

Қайта қуриш шарофати билан кишилар онгида покланиш, жамият олдида масъулиятни чуқур ҳис қилиш яққол сезилмоқда. Бироқ гуруҳнинг ичида курмаги бўлади, дегандаридек орамизда ҳали ҳам ишламасдан тишлашга, халқ мулкини талон-тарож қилишга ўрганган нусхалар оз бўлсада учраб туради. Бундайларга қайта қуришнинг таъсири ҳали тўла етиб бормаган. Улар ўғирлик қилиб осон пул топмоқ илинжида юрадилар, пайт пойлайдилар. Ўтган 1988 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатида катта-кичик 160 та ўғирлик содир бўлган эди. Хўш, бу йил аҳвол қандай?

Фактларга мурожаат қилайлик. Биргина шу йилнинг январь ойида 30 га яқин ўғирлик содир бўлди. Корхонанинг пардозлаш фабрикаси механика бўлими ишчиси Егорь Петушков 40 метрдан ортиқ газламани олиб чиқмоқчи бўлганда қўлга тушириди. Шу фабрика вакили Қобил Мусаев умумий баҳоси 300 сўм бўлган 120 метр сатинни ўмариб, қўйн бўлмоқчи бўлганида, корхона назоратчилари томонидан ушланди. Ҳа, Қобил Мусаевнинг амалга оширмоқчи бўлган плани барбод бўлди! Унинг иши Фрунзе район халқ судига оширилди. Корхонага қарашли 2-ошхона ишчиси Галина Нестеренко эса 15 метр рангли газламани олиб чиқмоқчи бўлганда ҳушёр назоратчилар томонидан тўхтатилди. Ўғирлик қилаётганлар орасида тардозлаш фабрикаси вакиллари кўпаб учрамоқда.

Айнан февраль ойининг бошида электр бўлими ишчилари С. Казарин, И. Ровинский ва Е. Грузневларнинг ҳар бири 20 метрдан газламани ўғирлаб чиқишаётганда соқчилар томонидан фош этилди.

Шунингдек ип фабрикасидан Р. Раҳмонова 9 та ғалтак ип, 2-тўқув фабрикасидан О. Эргашев 6 та подшипник, 2-йигирув фабрикасидан мастер Любовь Капралова салкам 1,5 килограмм елимни олиб чиқаётганда қўлга тушдилар.

Назоратчилар томонидан берилаётган бундай ташвишли сигналларга фабрикалар раҳбарлари томонидан ўз вақтида жавоб қайтарилмаяпти. Бу эса раҳбарларнинг ўз ишига совуққонлик билан қараётганлигидан далолат бермоқда. Бу ерда фабрикалардаги ўртоқлик судларининг ҳам фаолияти кўринмаяпти. Агар ўртоқлик судларининг фаолияти актив бўлганида эди, ўғирлик ҳам содир бўлмасди.

Б. ОРИПОВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Шофёрнинг хурмача қилиғи»

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1988 йил 10 ноябрь сонида босилган ана шу сарлавҳа остидаги танқидий мақолада 23-маршрутда қатнайдиган 48—01 ТНМ номерли автобус шофёрининг кўпол муомаласи тилга олинган эди. Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари С. Н. Аъзамов ушбу танқидий мақола юзасидан редакцияга қуйидаги жавоб мактубини йўллади:

«1988 йил 1 октябрь куни 23-маршрут бўйича қатнаган 48—01 ТНМ номерли автобусида А. Халилов ишлаган. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Бу масала ҳайдовчиларнинг бригада йиғилишида муҳокама этилди.

Йўловчилар билан қўпол муомалада бўлгани ва йўл-транспорт интизомини бузгани учун А. Халилов октябрь ойи мукофотидан тўла маҳрум қилинди ва унинг янги автомашина олишдаги навбати 6 ойга кечиктирилди...».

«Эътибор суст бўлгач...»

Ана шу сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 17 январь сонида танқидий мақола босилган эди. Бу мақола юзасидан редакция Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг ректори Ж. Бўроновдан қуйидаги жавоб хатини олди:

«Мазкур мақола ректорат, институт спорт клуби, жисмоний тарбия кафедраси ва маъмурий-хўжалик бўлимининг биргаликда ўтказилган йиғилишида муҳокама этилди. Мақолада келтирилган фактлар, танқидий мулоҳаза ва эътирозлар инобатга олиниб, мазкур нуқсонларга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирлар плани ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтда бир қатор ремонт ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, 1-спорт залида ремонт ишлари олиб борилди.

Ўтган даврда биринчи курс студентларининг спартакиадаси ўтказилиб, унда 200 дан зиёд спортчи-студентлар қатнашди. Ётоқхоналар ўртасида спартакиада, «Саломатлик куни» ўтказилди. Ётоқхоналарда шахмат-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилди. Бокс секцияси, енгил атлетика ва бошқа секциялар ўз ишини қайта тиклади. Спортнинг 17 тури бўйича олий ўқув юртлари мусобақасига тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Бир йўла 10 киши шуғулланадиган «Геркулес» комплекси фойдаланишга топширилди. ГТО бўйича кўргазмали қўлланмалар жиҳозланди».

«Қачон барҳам берилади?»

«Тошкент оқшоми»нинг 1988 йил 10 ноябрь сонида босилган танқидий мақола ана шундай деб номланган эди. Бу хат юзасидан Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти бирлашмаси бошлиғи Р. Ф. Файзуллаевдан қуйидаги мазмунда жавоб мактуби олинди:

38—66 ТНА номерли автомашина ҳайдовчисининг йўловчиларга хизмат кўрсатишдан бўйин товлагани масаласи кўриб чиқилди. Текширишда шу нарса аниқландики, 1988 йил 23 сентябрь куни бу автомашинада 1-автокомбинат ҳайдовчиси Н. В. Тарабрин ишлаган. Хат муаллифи Ш. Худойбердиева билан суҳбатда шу нарса аён бўлдики, 38—66 ТНА номерли автомашина ҳайдовчиси ўша пайтда ўзбек ҳайдовчиси экан. Н. В. Тарабриннинг бу воқеага асло алоқаси йўқлиги аниқланди.

Хат муаллифи унга ҳам, «Жанубий вокзал»нинг навбатчи диспетчерига ҳам эътирозим йўқ, деб айтди. Шу сабабли ҳеч кимга концерт чора кўришнинг иложи бўлмади».

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ махсус хизмат ходимлари Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг мудофаа компьютер системаларига суқулиб кириш учун планли равишда ҳаракат қилмоқдалар. Америкада чиқадиган «Тайм» журналининг бугун хабар қилишича, электрон жосуслик билан шуғулланаётган миллий хавфсизлик агентлиги ва марказий разведка бошқармаси шундай операциялар ўтказмоқда.

Журналнинг АҚШ ҳукумати номлари айтилмаган собиқ ходимларининг ахборотига таяниб гувоҳлик беришича, Америка махсус хизмат ходимлари «компьютер вируслари» ёрдамида бошқа мамлакатлар ҳисоблаш системаларини ишдан чиқариш борасида ҳам тажрибалар ўтказишган. Бироқ, деб уқтиради «Тайм» журнали, АҚШ разведка хизматининг баъзи ходимлари мазкур операциялар «жуда авж олиб кетганлигидан» ташвиш билдирмоқдалар.

ЛИМА. Перу жанубидаги Пуна шаҳри стадионида якшанба куни бўлган футбол ўйини чоғида ҳакамнинг нотўғри қарорга келганлиги футбол ихлосмандларининг полиция билан тўқнашувига олиб келди.

Полиция ҳакамни жисмоний жиҳатдан жазолашга уринган ашаддий футбол ишқибозларини тинчлантириш учун кўздан ёш оқизадиган газ ишлатишига ва ҳавога бир неча марта ўқ отишига тўғри келди. Тартибсизлик келтириб чиқарганлардан камида 12 киши қамоққа олинди.

Бироқ бу чора адолатсиз ҳукм чиқарган ҳакамдан ғазабланган ишқибозларнинг ҳовурини пасайтиролмади. Улар стадиондан чиққач шаҳар кўчалари бўйлаб ҳакамнинг уйи олдига бордилар ва уни тошбўрон қилдилар, дераза ойналарини синдириб ташладилар.

* * *

Никарагуага келган япон олимлари ва корхона эгалари делегацияси республика ҳукуматига мамлакат территориясида қурилиши мўлжалланаётган океанга чиқадиган янги канал лойиҳасини тақдим этдилар.

Янги сув йўли Рио-Сан-Хуан дарёси ва Никарагуа кўли орқали сунъий канал билан Тинч океанига боғланади. Каналнинг умумий узунлиги 220 километрга яқин бўлади.

Япония олимларининг фикрича, янги канал техникавий жиҳатдан эскириб қолган Панама каналига «ҳашар»га келиши ҳамда замонавий кемаларга Магеллан бўғози орқали ўтиладиган ерни қисқартириши керак. Янги, каналдан сиғими 500 минг тоннагача бўлган замонавий океан танкерлари ва савдо кемалари юра олади. Сиғими шу қадар катта бўлган кемалар ҳозирча қурилаётгани йўқ.

● ПАРИЖ. Сальвадор армияси 10 нафар деҳқон ҳалокати учун ўзи жавобгар эканлигини тан олди, ҳукумат қўшинлари Марказий Америкадаги мамлакат шарқида жойлашган Сан-Висенте департаментида ана шу деҳқонларни ўлдирган эди. Сальвадор армиясининг матбуот маҳкамаси эълон қилган ахборотда ана шу жиноят учун шахсий жавобгарлик Сан-Висентеда жойлашган 5-пиёда аскарлар бригадаси сараланган батальонининг ушбу операцияга раҳбарлик қилган командири зиммасига юкланди.



Токиодаги «Иомиури джайянтс» залида очилган халқаро виставкада спорт типидаги енгил автомобиллар айниқса шуҳрат қозонмоқда» — ана шу воқеа ҳақида репортаж олиб борган Киодо агентлигининг мухбири худди шундай деди. Агар сўнгги йилларда Япония пойтахтида ўтган автомобиль кўргазмаларининг ҳаммасида кунчиқар мамлакатнинг йирик автомобиль корхоналари довруғ қозониб келганини эслайдиган бўлсак мазкур жумла бирмунча ғалати туюлади.

Чиндан ҳам кўргазмага тақдим этилган 244 моделнинг оз қисмини ташкил этувчи Ғарбий Европа моделлари томошабинларнинг жиддий диққат-эътиборига сазовор бўлди. «Ягуар», «Мерседес», «БМВ» ва «Феррари» машиналари қўйилган стендларни бир неча кун ичида қарийб 250 минг томошабин кўздан кечирди.

Мутахассислар мазкур фавқулодда муносабатни нафақат Европа автомобилсозлик мактабининг афзаллиги нуқтаи назаридан, балки оддий психология нуқтаи назаридан ҳам изоҳламоқдалар. Масалан, «Феррари» фирмасининг спорт машинаси Японияда 45 миллион иена—Японияда ишлаб чиқарилган худди шундай машинадан ўн баравар қиммат туради. Шунга қарамай «ўз қадрини билган» ҳар бир япониялик Апеннин ярим оролида ишлаб чиқарилган машинани қаердан бўлса ҳам излаб топади ва сотиб олади. Гап шундаки, иена қадрининг бир неча баравар ошганлиги мамлакат аҳолиси бир қисмининг даромадини кўпайтириб юборди, иккинчидан Ғарбда ишлаб чиқарилган жамики «фирмали» товарларнинг обрўйи Японияда жуда юқори.

СУРАТДА: Токиодаги виставканинг умумий кўриниши.

Киодо—ТАСС фотоси.

АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Францияннинг Сен-Бриё шаҳрида истиқомат қилувчи Луиза Пренжан исмли аёл эри билан ажралишадиган бўлиб қолди. Одатдагидек улар мол-мулкни бўлишдан бошлашди. Навбат автомобилга келганда томонлар тортишиб қолишди. Чиндан ҳам автомобиль кимники бўлиши керак? Улар судга мурожаат қилишди. Судья эса уларнинг ҳар бирига... яримтадан машина тегиши лозим, деб қарор чиқарди. Американинг Буффало шаҳридаги унинг ҳамкасби худди шундай ишни кўриб чиқиб, нисбатан адолатлироқ ҳукм чиқарган эди: у ажралишган эр-хотин машинадан навбати билан фойдаланишлари лозим, деб қарор чиқарди.

МАЪРАШ МАН ЭТИЛАДИ

Швейцариялик фермер Вальтер Калан кимдаким менинг сигиримни маълум вақтларда маърашга ўргатса, бир неча минг доллар бераман, деб таклиф этмоқда. Гап шундаки, унинг Эльза исмли арзанда сигири вақт-бевақт маърайверганидан қўшнилари унинг устидан шикоят билан судга мурожаат этишган. Суд сигирга бегим кунлари эрталаб соат олтига қадар, дам олиш кунлари эрталаб соат еттига қадар маъраш ман этилсин, деб қарор чиқарди. Сигирнинг ҳар бир бевақт маъраган учун уч долларлан жарима ундирилади.

ТЕКИН ГАЗЕТА

Англиянинг «Миррор» нашриёти обуначиларига тиражи бир миллион нусха бепул тарқатиладиган янги газетани таклиф этмоқда. Газета бош муҳаррирининг фикрига қараганда, шундай йўл билан обунани расмийлаштириш, нашрни сотиш билан боғлиқ кўпсонли муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўлинган. Газетани чиқаришга кетадиган маблағлар унинг саҳифаларида босиладиган эълонлардан олинади.

ХАБАР УЧУН МУКОФОТ

Ўз сафларига мамлакатнинг барча ҳаваскор боғбонларини уюштирган Америка боғбонлари жамияти АҚШ территориясида йўқолиб кетган деб ҳисобланувчи бирон-бир ўсимликнинг топилганлиги ҳақидаги хабар учун ташкилотларга 250 доллар, алоҳида кишилар учун 100 доллар пул мукофоти тўланишини эълон қилди. Лазкур жамиятнинг фирига қараганда, ҳозир АҚШда 240 хил ўсимлик мутлақо йўқолиб кетган, 450 хили эса энг ноёб ўсимликлар қаторига кирди.

Турфа олам

Одил ЁҚУБОВ:

«ВИЖДОНИМ БУЮРГАНИ»



...Депутат — ўткир сиёсатдон, узоқни кўра билувчи зукко, воқеалар гирдобидан ўзини олиб қочмайдиган, гражданлик позициясини қатъий ҳимоя қиладиган мард кишидир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Одил Ёқубовни оқшомхонларга таърифлашга ҳожат бормикин? Адибнинг ўнлаб лирик ҳикоялари, «Муқаддас», «Ота изидан», «Ларза», «Қанот жуфт бўлади», «Излайман», «Тилла узук» сингари қиссалари ва ниҳоят «Эр бошига иш тушса», «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё», «Оққушлар, оппоқ қушлар» сингари тарихий ва долзарб мавзулардаги романлари кенг китобхонларга маълум.

Бу сафар адиб билан ижод ва ижод машаққати ҳақида эмас, балки депутатлик, унинг қувонч ва ташвишлари ҳақида сўз юритдик.

Ёзувчи Одил Ёқубовнинг депутатлик программасидаги биринчи сўзлар шундай: «Халқ билан бирга бўлиш, унинг қайғусини ҳам шодлигини баҳам кўриш, унинг келажаги яна ҳам порлоқ бўлиши учун курашиш». Бу сўзлар бир қараганда баландпарвоз туюлади кишига. Лекин ёзувчининг, Одил аканинг айтишича, «Бундан ўзга йўл бўлиши мумкин эмас.

— Одил ака, ижозатингиз билан гапни узоқроқдан бошласам. Илгарилари СССР Олий Советига депутат этиб сайланадиган кишилар билан учрашувлар бўлиб ўтарди. Савол-жавоб, истаклар, тилаклар... Лекин залда муштдек юрагига олам дардини жойлаган сайловчи — меҳнаткашлар бу маросимларда руҳсизгина иштирок этарди. «Сен бизга нима қилиб берар эдинг?» дегандек лоқайд муносабатда бўлишарди...

— Ҳозир ундай эмас! Халқ депутатликка номзоди кўрсатилаётган кишилардан унинг қатъий платформасини, яна ҳам лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иш программасини билишни хоҳлаяпти. «Сен нима учун депутат бўляпсан?» деб сўраяпти. Майдачуйда масалалар билан ўралашганларга рад жавоби беряпти. Жуда ҳақли талаб, жуда ҳақли савол! Бу — ошкоралик, қайта қуришнинг биринчи меваси! Худди шунинг учун ҳам ҳар бир номзод ўз елкасидаги масъулиятни энди-энди аниқ ҳис этяпти. Ўз бурчи, вазифаси нималардан иборат эканлигини аниқ, равшан идрок қиляпти. Бу — ошкоралик, қайта қуришнинг иккинчи меваси!

Ҳозир депутат бўлиш осон эмас. Буни мен ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис қилиб турибман. Бугунги депутат — ўткир сиёсатдон, узоқни кўра билувчи зукко, воқеалар гирдобидан ўзини олиб қочмайдиган, гражданлик позициясини қатъий ҳимоя қиладиган мард, жасоратли ва ниҳоят сўзи ва иши бирлигига эришадиган тадбиркор бўлмоғи керак!

— Сизнинг программангизни, асосан беш қисмга бўлиш мумкин: табиатимиз, тилимиз, тарихимиз, талантимиз, тақдиримиз. Иложи бўлса ҳар бир қисмини алоҳида батафсил шарҳлаб берсангиз...

— Бажонидил. Қадим-қадимдан юртимиз жаннатмакон деб аталиб келинган. Зарафшон, Жайҳун, Сайҳун сингари серсув дарёлар ширин-шарбатлиги, Фарғона сингари воҳалар ўзининг сўлимлиги, она еримиз серҳосиллиги туфайли не-не фотиҳлар келиб-кетмади бунда! Юртимизга кўз тикканлар — улар Чингизхонми ёки бошқами — дастлаб гулшан ўлкани яксон қилишни ўйладилар.

«Ҳар нарсанинг вақти бор», дейди доно халқимиз. Бугун табиатимиз, номутаносиб экологиямиз ҳақида жар соладиган вақт келди, жар соляпмиз. «Ортиқ бундай яшаб бўлмайди!» деб бор овоз билан ҳайқирмоқдамиз.

Бугунги табиат бошига тушган оғир кунлар биргина республикамиздагина қайд этилган фактлар билан кифояланмайди. Шундай аянчли аҳволни Байкалда ҳам, Сибирда ҳам, Онега ва Ладога, Иссиқкўлда ҳам, Азов денгизида ҳам, Молдавиянинг узумзорларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистонни ўз комига тортган, Ўрта Осиёнинг нажот тўла олтин косаси — Оролни ҳалокат ёқасига олиб келган, минглаб, гектар ерларни яроқсиз ҳолга келтирган нима ўзи? У қандай юҳоки икки дарёнинг минг йиллик жамғармасини йигирма-ўттиз йилда адо қилган? Буни бир оғиз сўз билан ифодаласа бўлади: пахта монокультураси!

Энди бу масалани тўлиқ шарҳласак манзара қуйидагича бўлади: пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ерга солинган минерал ўғитлар — мамлакатимизда гектар бошига 2 килограмм бўлгани ҳолда, Ўзбекистонда 50 килограмм — бутифослар, яна қанча кимёвий қўшимчалар. Тўғри, ҳосилдорлик ошди. Лекин табиат, инсоннинг ҳоли не кечди? Ўзбекистонда ўткир ичак касалликлари, бизнинг келажагимиз бўлган болаларнинг ўлими ниҳоятда кўплиги ҳозир қимирлаган тирик жонни қайғуга солаётгани сир эмаску.

Шу воқеалар бирданига юз бердими? Асло! Неча ўн йиллар давом этди бу ҳол. Энди ўша йиллар келтирган беадад фалокатларни йўқ қилиб, уч-тўрт йил ичида ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйиб бўладими? Кошки эди шундай бўлса!

Она табиатимизнинг умрбоқийлиги учун, янада гуллаб-яшнаши учун, қисқаси экологик вазиятларни бартараф этиш учун курашиш бир менинг эмас, барчамизнинг биринчи галдаги ишимиз бўлмоғи шарт. Мен ана шу ватанпарвар инсонлар сафидаман.

Тилимиз масаласи ҳам ҳозир кўндаланг бўлиб турган муаммолардан биридир. Ўзбек тили, бошқа тилларни инкор этмаган ҳолда айтаман, катта тараққиёт йўлини босиб ўтган, жаҳонга ўзининг дурдоналарини берган, тарихда жуда катта маданиятни яратишга асос бўлган, ҳазрат Навоий, Муқимий, Ҳамза, Ойбекдар ижод қилган тилдир.

Тил ўз навбатида миллий маданиятни белгиловчи асосий мезон ҳамдир. Шу ўринда қадимий қўлёзмалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни лозим кўраман. Кўпгина ёшларимиз эски ўзбек тилини пухта билмайди. Қўлёзмалар эса айнан шу тилда. Нима қилиш керак? Балки ўрта мактабларда эски ўзбек тилини ўқитиш керакмикин деб ўйлаб қоламан. Чунки ҳали ўрганилмаган қўлёзмаларда тарихимизнинг, миллий маданиятимизнинг ўқилмаган саҳифалари мавжуд. Демак, уларни ўрганиш, ўқиш керак. Ўқишнинг эса йўли битта: тил ўрганиш.

Тарихимиз ўз аксини Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарларда бор бўйи билан намоён қилиб турибди. Ҳар битта мадрасанинг, мақбаранинг, Минораи Калон, Калтаминор, Регистон майдонидаги нақшинкор биноларнинг ҳар битта ғиштида олам мазмун бор! Уларнинг ранглари ўчмаслигига боис ҳар бир нақшга усталарнинг, меъморларнинг юрак қони, кўз ёши омухта бўлган.

Биз, ўша қўли гул, бағри хун усталарнинг авлодлари, нима қиляпмиз? Битта ғишт қўйишни гапирмайлик-да, ўша обидаларни кўз қорачиғидек асраяпмизми? Йўқ! Қанча-қанча мадрасалар «эскиликдан мерос» қабилида баҳоланиб, бульдозерлар оёғи остида кунпаякун бўлди. Эслаб, юрагим ачишиб кетади.

Тил, маданият сингари тарихий ёдгорликларнинг беминнат, безиён узоқ авлодларга етиб бориши ҳам, депутатнинг биринчи даражали иши бўлмоғи керак.

Энди талант масаласига келсак. Талант ҳар бир соҳанинг, кенгроқ айтадиган бўлсак бутун халқнинг бойлигидир. Бизда талантли ёшлар жуда кўп. Улар — эртанги кунимиз, ўз талантларини ардоқламайдиган, уларга умид кўзини тикмайдиган халқ йўқ куррамизда.

Бизнинг адабиётда ёш талантлар жуда кўп. Улардан бирининг номини айтиб иккинчисини ранжитгим йўқ. Бир нарсани айтай: «Ёшлик» журналида босилган талантли ёшларимиз янги қиссалари, достонлари, қайноқ шеърлари билан китобхонлар тилига тушиб, уларни мамнун қилмоқда.

Бу гапимнинг исботи: яқинда талантли ёшларимизнинг 16 нафарини СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилдик!

Тарихимиз ниҳоятда мураккаб, ниҳоятда бой тарих эканлиги бир неча бор нуфузли олимлар, мутахассислар томонидан эътироф этилган. Афсуски, биз ўз тарихимизни яхши билмаймиз. Бу кечириб бўлмайдиган ҳол!

Бир мисол: ўрта мактаб ўқувчиси Африкадаги Конго мамлакатидан оқиб ўтувчи Конго дарёси неча километр узунликка эга эканлигини яхши билади. Аммо Орол қачон вужудга келган, Амударёнинг узунлиги неча километр, унинг тарихдаги номлари қандай — билмайди. 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан кенг нишонланади. Унинг мураккаб ҳаётини тўла билармикан болалар?

Демак, Ўзбекистон тарихини, ота-боболаримиз тарихини мактабларда ўқувчиларимиз тўлиқ англаб олиши, билиши зарур. Чунки ўзининг қаердан келиб чиққанлигини билмаган халқни ким деб аташ керак? Бири-биридан гўзал урфларимиз, удумларимиз бор. Уларнинг кўпчилиги Наврўз байрамида мужассамланган. Шу урфларни болаларимиз билмоғи керак.

Тақдиримиз, келажагимиз эса ана шуларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Депутатлик программамдан жой олган бу масалалар бўйича имконим борича тинимсиз курашажакман. Бу — виждоним буюргани!

Шу муқаддас тупроқда яшар эканман, шу она юрт тақдири — менинг тақдирим бўлади! Ниятим: пахтакорларнинг оғири енгил бўлсин, она табиатимизнинг бағри тўлсин, яшнасин; Оролда яна сувлар мавж урсин. Тилимиздаги гўзал битиклар оламга машҳур бўлсин. Маданий ёдгорликларимиз ҳали яна кўплаб йилларни, миллионлаб одамларни ҳайратга солсин; болаларимиз соғ-саломат улғайсин; аёллар ҳаётга шукроналар айтиб, гул-гул очилиб бахтиёр яшасин! Ташвишларга ниҳоя йўқ. Лекин ижобат бўлиши, ҳал этилиши ниҳоятда зарур ташвишлар. Адиб ҳамиша, ҳамма даврда жарчи! Бу менгагина эмас, барча адибларга ҳам тегишли. Чунки халқ бахти учун яшаш энг яхши ҳаловатдир.

— Бу ташвишларнинг орасида яна бир ташвиш ҳам бор: ёзувчи айни чоқда ижод қилиши керак. Айтингчи, қайта қуриш адибларимиз ижодида қандай акс этяпти?

— Мен аминманки, Ўзбекистон ёзувчилари, умумсовет адабиёти вакиллари қайта қуриш жабҳаларида қай даражада сидқидилдан хизмат қилаётган бўлса, Ўзбекистон ёзувчилари ҳам худди ана шундай сидқидиллик билан хизмат қилишяпти. Биз турғунлик йиллари адабиётимизда йўл қўйилган жиддий хатоларни — юзакичилик, ҳаётни безаб-бежаб кўрсатиш, ҳаёт ҳақиқатини четлаб ўтиш, сохта қаҳрамонлар ҳақида очерк ва публицистик мақолалар ёзиш каби иллатлардан астойдил қутулиб бормоқдамиз.

Айниқса, публицистика соҳасидаги ишларимиздан, муболағасиз айтиш керакки, китобхонларимиз жуда мамнун.

Ўзбек адиблари энг илғор рус адиблари билан қўлни қўлга бериб, ўзбек тупроғини заҳарли химикатлардан қутқариш, аёллар ва болаларнинг меҳнатини енгиллатиш, айниқса, табиатимизни эъзозлаш, жумладан, Орол ва Бўстонлиқни асраб қолиш каби етилиб турган ўнлаб муаммоларни дадил, ҳозирги қайта қуриш талабларига хос катта журъат билан кўтариб чиқишмоқда. Ёзувчиларимизнинг бу иши нафақат китобхонлар, балки халқимизнинг ҳаммасини ҳам мамнун қилмоқда.

Албатта, ёзувчиларнинг асосий иши бош кўтармай режалаштирилган асари устида меҳнат қилишдир. Лекин қайта қуриш ва ошкоралик даври адиб учун муқаддас бўлган бу талабга таҳрир киритди. Ёзувчилар бугун турғунлик даврига нисбатан ўн маротаба кўп халқ билан учрашувлар ўтказишмоқда. Халқнинг дилида ва тилида турган гапларни ўртага ташламоқда. Бир сўз билан айтганда халқ ҳаётининг теран томонларини идрок этишга, кўтариб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Бизнинг адабиётчилар уйининг ўзида ўнлаб учрашувлар ўтказилмоқда. Учрашувларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарларидан тортиб жуда кўп министрликларнинг раҳбарларигача иштирок этиб, республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида, кечаётган инқилобий жараён тўғрисида, бу жараён давомидаги ютуқлар ва камчиликлар ҳақида ошкора суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шу билан бирга адибларимиз ўзларининг бош вазифаларини, яъни, ижодни унутганлари йўқ. Биргина ўтган йилнинг ўзида Ёзувчилар союзи проза Советида ўндан ортиқ янги роман муҳокамаси бўлиб ўтди. Уларнинг кўпчилиги: Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик», Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романлари, шунингдек Нурали Қобул, Омон Мухтор, Учқун Назаров ва бошқа кўплаб ёзувчиларимизнинг турли жанрлардаги асарлари чоп этилди ва яқин келажакда чоп этилади.

— Ватан туйғуси ҳар биримизнинг қонқонимизга сингиб кетган. Бу туйғусиз яшаб бўлмайди. Ахир мўъжазгина бўлса ҳам киндик қонинг томган ўз юртинг, сени ютуғингдан қувониб, хатоингдан куюнадиган оққўнгил халқинг борлиги тоғдай таянч кишига! Лекин кейинги пайтларда Ватан туйғуси миллатчилик кўринишларига айланиб кетмаяптими?

— Йўқ, асло! Масала шундаки, биз Сталин шахсига сиғиниш даврида ва ундан кейинги турғунлик ҳукм сурган йилларда ҳар қандай инсон учун табиий бўлган она юрт меҳрини, диёрга бўлган муҳаббатни, ўз тили, ўз тарихини ўрганиш, яхши маънодаги урф-одатларга сиғинишни ҳам аксар ҳолларда миллатчилик деб атадик ва бу одат тусига кириб қолган эди.

Партиямиз бу кўринишларни қаттиқ қоралаб чиқди. Ахир эсингизда бўлса, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси муносабати билан эълон қилинган партиявий ҳужжатларда совет халқларининг онги тобора ўсиб бораётганлиги, уларнинг ўз тили, ўз тарихига қизиқишлари табиий ва ҳатто, ижобий бир ҳол эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Албатта, ҳозирги ошкоралик даврида демократияни ўзича тушунувчи, миллий масала каби мураккаб муаммони чаласаводларча талқин этувчи баъзи кишилар, айрим зиёлилар, олимлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу соҳада кечаётган мураккаб жараён, аслини олганда Ватан туйғуси нақадар буюклигини исботловчи соғлом жараёндир.

— Сиз «Литературная газета» саҳифаларида ўзбек хотин-қизларининг оғир аҳволи ҳақидаги мақола билан чиққандингиз. Ўшандан бери бирон ўзгариш юз бергани сезилдими?

— Алам билан таъкидлайман: йўқ. Мен 270 аёл ўз-ўзига ўт қўйгани ҳақида ёзгандим. Ўтган йили 250 аёл шу ишни такрорлади. «Ижобий» ўзгаришни қаранг, фожиа йигирматага камайибди. Бу рақамга қандай муносабатда бўлиш керак, билмадим. Лекин бу фожиаларни аёлларнинг исёни деб қарамоқ керак.

— Одил ака, суҳбатимиз сўнгида ҳамшаҳарларимизга тилакларингиз?!

— Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайман. Ҳар бир хонадонга тўкислик, ёруғлик тилайман.

Суҳбатни Темур УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Маданият муассасаларида

ХАЛҚ ТЕАТРИ

Яқин кунларда шаҳримиздаги Йўлдош Охунбобоев номли Маданият уйининг ҳаваскорлик театри Халқ театри унвонига сазовор бўлганига 30 йил тўлади.

Ўттизинчи йилларда Маданият уйи қошида СССР халқ артисти Наби Раҳимов раҳбарлигида 9 кишидан иборат драма тўгараги ташкил этилганди. Тўгаракка қизиқиш жуда катта бўлиб, тез кунда иштирокчилар сони 30 нафарга етди. Бир неча йилдан сўнг қўлга киритган ютуқлари учун ҳаваскор актёрлар биринчи даражали мақтов ёрлиғи билан тақдирландилар. 1959 йилда тўгарак етук коллектив даражасига кўтарилди ва республика Маданият министрлиги коллегиясининг қарорига биноан «Халқ театри» деган юксак номга сазовор бўлди. Бу Ўзбекистондаги илк халқ театри эди. Ўша вақтда театрга Ғани Муродов раҳбарлик қиларди. 1961 йилдан бошлаб то шу кунгача коллективга маҳоратли режиссёр Шавкат Умаров раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шу йиллар мобайнида Шавкат Умаров саҳналаштирган 90 га яқин турли жанрдаги спектакллар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Иззат Султоннинг «Навоий», Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи», Гоголнинг «Ревизор», Р. Орифжоновнинг «Алданган қиз», болгар драматурги Степан Костиковнинг «Аёллар подшолиги», К. Яшиннинг «Улим босқинчилар»га», Н. Саъдуллаевнинг «Тузоқ», Максим Каримовнинг «Инсонликка номзод» ва бошқа бир қатор асарлари шулар жумласидандир.

Халқ театри ўзбек драматургиясини пропаганда қилишдаги муваффақиятлари ҳаваскор актёрларнинг маҳоратлари учун 1985 йилда Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди. Максим Каримовнинг ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган «Инсонликка номзод» спектакли Бутуниттифоқ халқ театрлари фестивалида фахрли ўринни эгаллаб, лауреат номига муяссар бўлган.

1988 йилда коллектив Бутуниттифоқ халқ театрлари II фестивалида Ҳабиб Нўъмон ва Аҳмад Шорахмедовларнинг «Ота» романи асосида саҳналаштирилган «Биринчи президент» спектакли билан иштирок этди ва фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ушбу спектакль Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев хотирасига бағишланган бўлиб, унда бош ролларни талантли актёрлардан Ҳусан Икромов, Хайрулла Иноғомов, Козим Аъзамов ва Маҳмуд Рўзиевлар ижро этишган.

Театр коллективи турли ёшдаги ва турли касбдаги 32 кишидан иборат. Ҳусан Икромов (заргарлик заводининг ишчиси), Хайрулла Иноғомов («Ёш гвардия» театрининг кассири), Иноможон Икромов (жамоат тартиби сақлаш органларида кўп йиллар ишлаган, ҳозир пенсияда), Матлуба Хайдарова (чет тиллар педагогика институтининг 5-курс студенти), Маҳмуд Рўзиев («Ленинград» меҳмонхонаси ходими)лар бир неча йиллардан буён коллектив ривожига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ш. Умаров театр коллективининг мураббийси ҳам ҳисобланади. У санъат остонасига энди қадам қўйиб келаётган ёш ҳаваскорларга актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини изчил ўргатиб келмоқда. Театр истеъдодли ижодкорларидан бири Хайрулла Иноғомов ҳам Шавкат Умаровнинг ёрдам ва маслаҳати билан элга танилди. Ўн йилдирки, у театр билан ҳамнафас. Дастлабки йиллардаги қийинчиликлар изланиш ва меҳнат туфайли бартараф бўлди. Хайрулла шу кунларда кўплаб спектакларда муваффақиятли роллар ижро этмоқда. Бундан ташқари у Ҳусан Икромов билан биргаликда «Садоқат» асарини саҳналаштирди. Ёш ижодкор драматург Исфандиёрнинг «Отасининг қизи» асарини саҳналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди. Бу спектакль театр ихлосмандлари томонидан яхши кутиб олинди.

Мазкур даргоҳда етишиб чиққан бир қанча йигит-қизлар ҳозир республикамизнинг турли бурчакларида санъат шайдоларининг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. «Ёш гвардия» драма театрининг актёри Абдулазиз Абдураҳмонов, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри Равшан Жўраев, А. Қаҳҳор номли республика сатира театрининг етакчи актрисалари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Саъдуллаева, Клара Жалилова каби қалбга яқин кишилар шу халқ театрининг қалдирғочларидир.

Ўзбек драматургиясининг ҳақиқий жонкуярлари шу кунларда Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт» драмаси устида ишламоқдалар. Бу спектакль Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган бўлиб, бош ролларни Иноможон Икромов, Шукур Маҳкамов, Наргиза Тўлаганова ижро этишмоқда.

Дония ЗОКИРОВА.

⊙ СУРАТЛАРДА: театрда саҳналаштирилган «Аёллар подшолиги» ва «Инсонликка номзод» асарларидан лавҳалар.

Э. Муҳамедов фотолари.

Куюнчаклик билан ёзилган

Ютуқлар соясидаги камчиликлар

Бугунги кунимизни киносиз тасаввур этиш мумкинми? Асло. Қизиқарли, чуқур мазмунли бадиий фильм томоша қилиш кишига нафақат ҳордиқ, балки юксак маънавий туйғу ҳам бахш этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши бўш вақтида кинотеатрга боришга ҳаракат қилади.

Маълумотларга қараганда, ҳозир Тошкент шаҳри аҳолисига 202 кино қурилмалари хизмат кўрсатар экан. Шундан 24 таси доимий, 33 таси ёзги кинотеатр бўлиб, 110 таси эса мактаблардаги киноқурилмалардир. Умуман, пойтахтимиз кинотеатрларидаги ўринлар сони 44.900 ни ташкил этади. Ўтган йили 200 ўринли 4-видеосалон ишга туширилди.

Айни кунларда яна иккита 500 ўринли кинотеатр қурилишининг смета-лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Буларни Сергели ва Собир Раҳимов районларида қуриш кўзда тутилмоқда. Кинотеатрларда кинолекторий, киноклуб иши ташкил этилади. Диққатга сазовор стендлар ўрнатилади, тематик кечалар уюштирилиб, ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этиб борилади. Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилги натижалар чакки бўлмаганини кўрамиз. Йиллик план (шаҳар бўйича) 103 процентга бажарилди. Бунда албатта Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият Бош бошқармасининг ҳиссаси катта.

Лекин қатор камчиликлар ҳам борки, улар хусусида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Шаҳар халқ контроли комитети томонидан олиб борилган текширишлар натижасида жиддий нуқсонлар аниқланди. Юқорида айтиб ўтганимиздек план ошириб бажарилган бўлсада, унда айрим кинотеатрларнинггина ҳиссаси бор, холос.

Яъни мавжуд 24 кинотеатрдан 13 таси умумий даромад планини бажара олмаган. Шунингдек, норматив бўйича ҳар 100 кишига 35 кино ўрин тўғри келиши керак. Аслида ҳозир Тошкент бўйича 7,6 ўрин, республика миқёсида эса 12,3 кино ўрин тўғри келар экан. Шуниси ачинарлики, ҳозиргача аҳоли зич яшайдиган йирик массивларда — Қўйлиқ, Сергели, Қорасув, Медицина шаҳарчаси, Шимоли-Шарқ, Юнусобод ва бошқа ерларда доимий хизмат кўрсатадиган кинотеатрлар йўқ. Ўша жойларда замонавий кинотеатрлар қуриш масаласини ҳал этиш пайти аллақачон етилган.

Яна бир муаммо — кино пропагандаси ишларини янада яхшилаш зарур. Халқ контролининг анализига қараганда, 1988 йили шаҳримиздаги мавжуд кинотеатрларда бир кунда 92 минг ўрин бўш турган экан. Энди шу рақамни ўнга кўпайтирайлик, қанча бўлади? 365 га кўпайтирсакчи? Ахир бу миллионлаб сўмлар давлат кассасига тушмади дегани эмасми? Иссиқ пайтларда эса ёзги кинотеатрларда план атиги 73,6 процент бажарилди. Бу умумий даромаднинг атиги 6 процентини ташкил этади.

Айниқса, «Ватан», «Москва», «Дружба», «Фестиваль», «Мир», «Тошкент Советининг 50 йиллиги» кинотеатрларидан унумли фойдаланилмаяпти. «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» кинотеатрида эса аҳвол бундан ҳам ёмон.

Шунингдек, Тошкент шаҳар кинопрокат идораси текширилганда маълум бўлдики, репертуар комиссияси ўтган йили умуман иш олиб бормаган. Кўпгина ишлар эса расмият учун бажарилган. Ҳужжатларга имзо чекилмаган. 1988 йил декабрь ойи протоколи йўқ. Репертуар планлар ўз вақтида тасдиқланмайди. Ҳатто 1989 йил январь ойи репертуар плани тузилмади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент шаҳар кинопрокат идораси ва кинофикация бошқармаси совет фильмларига, жумладан «Ўзбекфильм»маҳсулотларига кам эътибор қаратяпти. Тан олиш керак «Ўзбекфильм»нинг ҳамма маҳсулотларини ҳам бирдек деб бўлмайди. Бироқ яхшилари ҳам борку! Иттифоқимиздаги киностудияларда ишланган маҳсулотларни намойиш этиш кейинги пайтда 50 процентга қисқариб кетди. Бу ҳам кинони пропаганда қилиш ишлари кўнгилдагидек эмаслигидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, шаҳримиз кинотеатрлари ишини тубдан яхшилаш даркор.

Д. ОБЛАЕВ.

КЕЛИНЧАК НЕГА ЧИНҚИРДИ?

Янги тушган келинчак тонг чоғи ҳовлини супуриб бўлгач, чой қўйиш учун нимқоронғи хонага кирди. Кирди-ю, чинқириб қочиб чиқди. Чинқириқни эшитиб чиққан қайнана уни ошхона олдида «қалт-қалт» титраб турган ҳолда кўрди.

— Ҳа, қизим, нима бўлди? — хавотирланиб сўради қайнанаси. — Каламушми?.. Қўрқманг, тасаддиқ, у тегмайди — ўзимизники. Анчадан бери «боқамиз». Ҳеч йўқотиб бўлмаяпти. — Шундай деб қайнана келинини айвонга олиб кирди. Чойнакдаги совуқ чойдан қуйиб берди.

— Айланай, қизим қўрқманг. Каламушлар кўпайиб кетгач, Анварингиз район санэпидстанциясига бориб ариза берди, пулини тўлади. Улар келавермагач, ўзи машинасида бориб, икки аёлни бошлаб келди. Улар дори сепган бўлишди, лекин қўни-қўшнилар ҳам ариза бериб, пул тўлашмаса, сизларникига дори сепганимизнинг фойдаси йўқ, дейишди, тўғри экан, мана, кўпайса-кўпайяптики, камаймаяпти.

Ҳа, онахоннинг гапида жон бор. Бошқа жойларни билмадим-ку, лекин биз истиқомат қилаётган Бешқайрағоч массивидаги деярли ҳамма хонадонда, ариқ оқадиган ҳамма кўчаларда аҳвол шундай. Каламуш кундан-кунга кўпайиб кетяпти. Уни қопқон билан йўқотиб бўлмас экан. Бирдан бир йўли — район санэпидстанцияларининг шу район территориясидаги хонадонларни, кўчаларни, ариқларни ёппасига дорилашдан иборат, деб ўйлайман.

Табиийки, фақат пул тўлаган хонадонни дорилаб, қолганларига тегмагач, каламушлар бир хонадондан иккинчисига ўтиб, болалаб кўпаяверади-да. Илгари (70-йилларда) санэпидстанция ходимлари ҳар йили махсус машиналарда юриб, дарахтларга, ариқларга ёппасига дори сепиб кетишарди. Беш-ўн йилдан бери бу яхши анъана барҳам топди. Энди ҳақли равишда шундай савол туғилади? Наҳотки, мамлакатимизнинг асосий бойлиги бўлган инсоннинг соғлиғи ўша тўланадиган пулга арзимаса? Акмал Икромов районининг мутасадди ходимлари бунга нима дейишаркин? Айни баҳор кунларида бу ишга киришиш керак, деб илтимос қиламиз.

Акмал Икромов район Болтаев ва Алвон кўчалари аҳолиси номидан:

Д. МИРБОБОЕВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Бу—қизиқ

ФИЛЛАР «ТИЛИ»

Шу вақтга қадар олимларга календарь саналарига боғлиқ бўлмаган ҳолда, филларнинг кўчиб ўтишлари сабаби ноаниқ эди. Мана, Кениянинг табиий резервацияларида иш олиб борган халқаро зоологлар экспедицияси муаммони аниқлади. Фил организми сезгир барометр каби, узоқ масофадаги атмосфера босимининг ўзгаришини аниқ ҳис қилади ва шунга мувофиқ ёмғир ёғадиган зонани аввалдан била олади. Шунинг учун филлар тезда кучли ёмғирдан сўнг, ўтлар ўсиб чиқадиган ерларга йўл оладилар.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар филлар хулқини ўта сезгир қурилмалар ёрдамида ўргана бориб, айтиш мумкинки, инфратовуш тили орқали ҳам ўзаро муносабатда бўлишларини аниқладилар. Маълум бўлишича, кучсиз частотали тўлқинлар, фил бошидаги чаноқ суяклари билан ҳартум мушаклари бирлашган жойдаги тоғай мембранада акс этади. Филлар энг қаттиқ наъра ҳам кучсиз бўлган масофада ана шу «тил» ёрдамида ўзаро «сўзлаша» оладилар. Эндиликда олимларга филларнинг хавф туғилиши мумкин бўлган жойни жабланарли ҳолда, ҳам жиҳат бўлиб қўққисдан тарк этишлари аён бўлди.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

«Перспектива» ёшларга баҳор либосларини таклиф этади

Баҳор мавсумида хотин-қизлар модалар журналини айниқса эътибор билан варақлашлари, дугоналарининг либосларига алоҳида диққат билан назар ташлашлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки ҳамма моданинг сўнгги талабларидан хабардор бўлгиси, қиш бўйи кўнгилга теккан пальто ва курткаларни тезроқ ечиб, енгил ва бежирим, кўркам костюм ва кўйлаклар кийгиси келади.

Мода эса баҳор ҳавоси каби инжиқ: эндигина биз калта юбкаларга кўниккан эдик, дарҳол уларнинг рақиби узун юбкалар расм бўла бошлади. Эндигина спорт услубининг одми, жиддий пропорцияларига ўрганган эдик — яна кутилмаган совға! Бугунги моданинг шиори — қулайлик ва ҳаракат эркинлиги бўлиб қолди.

Либосларнинг енгил қиёфаси аёллар назокатини оширади. Газлама қоматга ёпишмай тўкис ҳилпираб туради. «Бундай кўйлакларни бир марта кийган аёл бошқа кўйлакни кийгиси келмай қолади, — дейишмоқда модельерлар. Уларнинг бу фикрини кўпчилик: ёш мода мухлислари ҳам, ёши ўттиздан ошганлар ҳам қўллаб-қувватлашади.

СИЗ 21 ВА 22 МАРТ КУНЛАРИ «ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИДА ЎТАДИГАН САВДО-КЎРГАЗМАГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ЎЗ ЛИБОСЛАРИНГИЗ ҚАТОРИГА ЯНГИ, МОДАЛИ КЎЙЛАКЛАРНИ ҚЎШИШИНГИЗ МУМКИН.

Савдо-кўргазмадаги барча либослар Республика кийим моделлари уйида ва Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган.

«ПЕРСПЕКТИВА» магазинининг адреси — Халқлар дўстлиги проспекти, 3 «а» ва 3 «б» уйлар. Метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси.

Магазиннинг иш вақти — соат 10 дан 19 гача.

Танаффус — соат 14 дан 15 гача.

Дам олиш куни — душанба.

«Ўзбекистон» фирмали савдо бирлашмаси (45-37-24).

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

19 март — савдо ходимлари куни

Пойтахтимизда магазинлар (йирик комплекслар ва ихтисослашган савдо корхоналари) ҳамда ресторанлар, кафе ва чойхоналар тобора кўпайиб боряпти. Шаҳримизни ЦУМ, ГУМ, Фрунзе савдо маркази, «Ганга», «Космос» магазинларисиз, «Зарафшон», «Ўзбекистон» ресторанларисиз, гриль-барлар ва музқаймоқ кафеларисиз тасаввур этиш қийин.

«Тараққиёт — 90»

савдода қайта қуришнинг тармоқларо программаси ана шундай номланади. Мазкур программа хизмат кўрсатиш маданиятини оғишмай ошириб боришни, харидорларга қулайлик яратиш борасида ғамхўрликни кўзда тутади.

60 дан зиёд магазинлар илғор технология асосида ишлаяпти. Кенг савдо залларига, товарларнинг қулай намойишига эга, замонавий касса аппаратлари билан жиҳозланган универсамлар шулар жумласидандир. Бу энг аввало «Сергели», «Октябрь», «Юнусобод, «Олмазор» универсамларидир.

Йирик магазинлар қошида кафетерийлар, очилмоқда. Ана шу кафетерийларда ҳордиқ чиқариш, енгил тамадди қилиш мумкин.

Саноат корхоналарида буюртмалар столларининг очилиши, навбатчи озиқ-овқат магазинларининг ишга тушаётгани, саноат товарларининг кимошди савдоси ташкил этилаётгани, харидорлар билан учрашув кунларининг ўтказилаётгани, миллий таомларнинг байрамлари уюштирилаётгани — буларнинг ҳаммаси САВДОДА ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН ЯНГИЛИКЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ ХОЛОС.

Нокондицион товарлар савдоси кенгайиб бормоқда. Бундай товарларни харид қилиш қўли гул ҳунармандлар учун кенг имкониятлар очиб беради. Мазкур товарлар Халқлар дўстлиги проспектидаги «Ёш техник», Пионер кўчасидаги «Ўзинг яса», Фарҳод ярмаркасидаги «Моҳир қўллар», Навоий кўчасидаги ярмаркада жойлашган «Нокондицион радио товарлари» магазинларида сотилаяпти.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ — БУ АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ВА ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАРНИНГ КЎРСАТИЛИШИ ҲАМДИР.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган магазинлар ва магазинлардаги бўлимлар тармоғи кенгаймоқда.

Товарларни қадоқлаш ва уйга элтиб бериш, совғаларни кўрсатилган адресга етказиб бериш, тикувчилик буюмларини харидорнинг қоматига мослаб қайта тикиш, газламалардан дарпардаларни бичиб бериш, холодильник ва телевизорларни харидорнинг уйига элтиб ўрнатиш, ЦУМ ва ГУМда посилкали савдонинг ташкил этилганлиги, бўш шиша идишларни уймай-уй юриб қабул қилиш ана шундай хизматлар жумласидандир.

Оилавий маросимлар ўтказиладиган кунларда умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари сизга ёрдам беришга тайёр. Сиз уйингизга малакали пазандаларни, қандолатчиларни таклиф қилишингиз, идиш-товоқларни ижарага олишингиз мумкин. «Ҳадя» сервис-фирмасининг фаолиятидан тошкентликлар мамнун бўлишмоқда. Мазкур фирма ходимлари сизнинг истагингизга кўра яқин кишиларингизни шонли саналар билан табриклайдилар.

Йирик савдо комплексларига туташ майда чакана савдо тармоқлари — дўконлар ва пештахталар сони кўпаймоқда. Ана шу ерлардан магазинга кирмай пойабзал ва тикувчилик буюмларини, трикотаж, галантерея буюмларини, упа-эликларни, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш мумкин.

САВДО РАСТАЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

К. Маркс кўчасида, Навоий кўчасидаги савдо расталарида ва «Дўстлик» меҳмонхонасининг қаршисида, Фарҳод кўчасида шаҳар ярмаркалари очилди. Ярмаркалардан ўзингиз учун, рўзғор учун, оила учун жамики зарур нарсаларни харид қилиш мумкин.

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

Савдо ходимлари куни 18 март куни К. Маркс кўчасида соат 12 дан 22 гача байрам қилинади!

Шу куни умумий овқатланиш корхоналари шу ерда миллий таомлар ва қандолатчилик маҳсулотларининг, чанқовбосди ичимликларнинг савдо-кўргазмасини ташкил этадилар.

Шунингдек, барча савдо ташкилотлари иштирокида саноат товарларининг кенг савдоси уюштирилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Ташқарида баҳор. У. Усмонов фотоси.

Ҳаваскор гулчиларга

Уйнинг файзи

Инсон табиатан шундай — гулга талпинади, гулга интиқ бўлади. Ёз бўйи гул нафаси уфурган боғроғларни кезгиси келади. Шунинг учун ҳам у гуллар сеп ёйган боғларда, қир-адирларда дам олишни ёқтиради. Ҳатто қиш фаслида ҳам аксарият хонадонлардан гул аримайди, дераза токчаларини ям-яшил барглари билан безаб туради, хонага мусаффолик, ўзгача бир файз бағишлайди. Бу эса табиат бағрида ўсган гулга ташналигимизни маълум даражада бўлса-да қондиради. Аммо ҳамма ҳам уйда гул ўстириш қоидаларини билмаса керак. Ана шу ҳақда маслаҳат сўраб Тошкент шаҳар манзарали боғдорчилик совхозининг бош агрономи Абдуқаҳҳор Маликович ТЎЛАГАНОВГА мурожаат қилдик:

— Хонада етиштирилаётган манзарали ўсимликлар табиатнинг бир бўлаги. Улар ўзларининг нафис барглари, анвойи ва ғаройиб гуллари билан хонамиз ҳуснига ҳуси, файзига файз қўшади. Фарзандларимизни ёшликдан табиатни севишга, уни ардоқлашга ва ўз қўллари билан унга кўмаклашишга ўргатади.

Кўп қаватли замонавий уйларда турли ўсимликларни ўстириш учун шароитлар мавжуд. Ўсимликлар ривожланиши жараёнида карбонат ангидрид газининг кам ёки кўплигига турлича талабда бўлади. Масалан, ўсимликлар ўзларининг ёруғлик талабига биноан: ёруғсевар ёки сояпарвар, ё сояга чидовчи, намликка нисбатан намсевар ёки қурғоқчиликка чидовчи, ҳавонинг нам ёки қуруқ бўлишини хоҳловчи иссиқсевар ёки салқинпарвар, тупроқда озиқ моддаларининг кўпроқ ёки намроқ бўлишини, донадор ва серчиринди бўлишини ёқтирувчи ва шунга ўхшаш турли шароитларни талаб қилувчи группаларга бўлинади.

Хонада ўсимликларни тувакда, яшикларда ўстирган маъқул.

Масалан, ёруғсевар ўсимликлар оиласига гераньбегониянинг турли хиллари, катарантус, Хитой атиргули, белогироне, дурагайлашган лантана, абутилон, санхеция, фуксия, пуанниттия, аспарагус, традесканция, сциндаисус, комус кабилар киради. Сояпарвар ва сояга чидовчилар — сансевчера, аспидистра, дифффенбахия, манстра, сеннолия, цепоромия, целосус ва плюшдир.

Ўсимликларни шароит талабига биноан хонада тўғри жойлаштириш жуда муҳимдир. Бунинг учун Ғарб ва Шарққа қараган деразалар олди қулай ҳисобланади. Иссиқсевар тропик ўсимликлар хона ҳарорати 18-20 даражада бўлишини, субтропик иқлимга мослашган ўсимликлар эса қишда ҳарорат 12-15 даражадан баланд бўлмаслигини истайди. Ўсимликларни суғориш тупроқ намлигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши даркор. Гуллар тез ўсадиган даврда ўсиш тўхталганига нисбатан ҳамда ёз даврида қиш даврига нисбатан кўпроқ суғорилади. Суғоришда сувнинг ҳарорати 20-28 даража бўлиши яхши натижа беради. Водопровод сувини эса бир сутка сақлангач ишлатиш мумкин.

Хона шароити парваришида тупроқни унинг талабига биноан тайёрлаш лозим. Бунинг учун тупроғи унумдор бўлган дарахтзор ёки очиқ ерларнинг 5-10 сантиметр қалинликда устки қисмидан қириб олиниб, унга албатта қум, барг ёки гўнг чириндиси қўшиб ишлатилади. Масалан, кўпгина ўсимликлар ёшлик даврида бир қисм тупроққа 2 қисм барг, 2 қисм гўнг чириндиси ва бир қисм қум қўшилган аралашмада яхши ўсиб ривожланади. Вояга етган ўсимликлар эса 2 қисм тупроққа бир қисм гўнг чириндиси ва бир қисм қум қўшилган аралашмаларда яхши ўсади. Бундан ташқари, ўсиш даврида ҳар 10 кунда бир марта маҳаллий ёки маданий ўғитлар билан озиқлантирилиб турилади. Маданий ўғитларни хўжалик магазинларидан сотиб олиш мумкин. Уларнинг асосийлари азот, фосфор ва калий сақловчи ўғитлар бўлиб, шулардан сотувда аммиакли селитра: карбомид, аммофос, суперфосфаткалий тузи ва хлорли калийлардир. Булардан ташқари, шу элементларнинг яна бир қанча микро элементлари «Огородний смесь», «Цветочний смесь», «Рижские смесь Б» деб аталувчи ўғитлар ҳам сотилади. Уларни қандай ишлатиш ҳақида инструкциялар ёзилган.

Айрим чиройли гулловчи ўсимликлар заҳарли бўлиб, улар ажратадиган ширани терига тегишидан эҳтиёт бўлиш керак. Масалан: примула, самбитгул, алоқазия, арум, мелочай. Мабодо уларнинг ширази терига тегса, дарҳол совун билан илиқ сувда ювиб ташлаш лозим.

Хонаки гуллар ёруғроқ, ўсимликларга шароит етарли бўлган жойлардагина ўстирилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ҳаёти давомида карбонат ангидрид газини олиб, кислород қайтариши билан одамларнинг соғлиғини тиклайди. Лекин баъзилари, айниқса шу ўсимликларнинг гуллари хонада ҳаддан ортиқ миқдорда қўйилса, инсонга зарар бериши мумкин. Масалан, лилия гуллари, ясман гули. Менимча, одамлар ўз хоналарига шунчалик миқдорда кўп гуллар қўймасалар керак. Камлари зарари йўқ ҳисобланади.

Суҳбатни Д. ОБЛАЕВ ёзиб олди.

Қатра

Куй сеҳри

Беш қизнинг ичида битта ўғил эдим. Онам менга жуда ҳам меҳрибон эдилар. Опаларим «кун туғса ҳам, ой туғса ҳам шу ўғлингизга» деб ҳафа бўлишарди... Уларнинг ҳаммаси бола-чақали, уйли-жойли бўлиб кетишган. Мен ҳам уйланганман. Ўғил-қизларим бор. Қўлимдан келганича онамнинг ҳурматларини бажо келтирдим. Волидам 86 ёшга тўлганларида касал бўлиб ётиб қолдилар. Хотиним қараб тураман, деб ишидан бўшаб келди. Кеча-ю кундуз тепаларида парвона бўлди. Опаларим ҳам кун ора хабар олиб туришди. Шу аҳволда 8 ой ўтди.

— Ўғлим, менга Ориф Қосимов ижро этган куйлардан қўйиб бергин, — дедилар ҳаётларининг сўнгги кунлари.

Мен дутор куйлари ёзилган лентани магнитафонга қўйдим. «Қўллари дард кўрмасин, — дедилар менга қараб. — Шомаҳмуд, хотинингни эъзозда тутгин. Ундан розиман. Агар мени соғинсанг ёки эсласанг дутор куйларини тинглагин».

Мен ҳайрон бўлгандим...

Орадан йиллар ўтди. Энди билсам онам ҳақ гапни айтган эканлар. Яхши ижро этилган музикани тингласангиз, ақлингиз тиниқ, фикрингиз дадил бўлар экан. Шунинг учун айтишар экан-да «Қари билганни — пари билмас» деб.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

Редактор
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Марҳабо «Наврўз»— шодиёна баҳор байрами!

«НАВРЎЗ» БАЙРАМИ КУНЛАРИ ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАДИ. Уй бекалари кўкатлардан сомса тайёрлашади, сумалак қайнатишади, турли ширинликларни пиширишади.

Уй бекаларига ёрдам тариқасида

18—22 МАРТ КУНЛАРИ

Дзержинский номли майдонда ва Коммунистик кўчасида

МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИ ИШЛАЙДИ:

Ярмарка танаффуссиз соат 9 дан 19.00 гача очиқ бўлади.

«ТАШПЛОДООВОШЧНПРОМ» (телефон 55-98-29).

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Тошкент давлат циркида

20—21 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«СССР — БИЗНИНГ УМУМИЙ УЙИМИЗ»

«Карвон йўллари»

хайрия концерт-аукциони

ИЖРО ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ.

Бутуниттифоқ «ЯНГИ ОВОЗЛАР» радио-конкурсининг лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

МОСКВА АРТИСТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ИШТИРОКИДА КАТТА ХАЛҚ-ЦИРК ПРОГРАММАСИ.

Концерт-аукциондан тушган маблағ табиий офатдан жабр кўрган Тожикистон фондига ўтказилади.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари бажарилади.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Диққат!

1989 йил 15 майга қадар

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ

«Оймома-боғ»

АТТРАКЦИОНЛАР КОМПЛЕКСИ ГАСТРОЛЛАРИ

(А. Навоий кўчасидаги савдо расталарида)

«ОЙМОМА-БОҒ»НИНГ ИШ ВАҚТИ:

иш кунлари — соат 14 дан 21.00 гача;

шанба кунлари — соат 12 дан 22.00 гача;

якшанба куни — соат 10 дан 21.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

Справкалар учун телефон: 44-51-34.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1989—1990 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Ўқувчилар қабул қилади

Саноат ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, қўлда иш бажарувчи, электр пайвандчи, фрезерчи, электр монтёр (электрмонтажчи), кенг профилдаги станокчи, техника назорати бўлимининг контролёри, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, нусха кўчирувчи чизмакаш.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

УҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 3 йиллик таълим группаларини тамомлаган ўқувчиларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлик ҳақидаги диплом берилади.

8 синф маълумотидаги ўқувчилар ўқиш даврида бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланадилар. 10 синф маълумотидаги ўқувчилар эса стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентн тўланади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида ва унга яқин районларда яшаб турувчи йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади ва улар билим юртини тамомлагач мажбурий ишлаб бериш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклар, спорт секцияларн ишлаб турибди. Ўқувчилар ёзги дам олиш вақтида Чорвоқ посёлкаси районидаги базада ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-СПТУ» бекати). Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КООПЕРАТИВЛАР СОЮЗИНИНГ

ТАЪСИС СЪЕЗДИ

18 МАРТ СОАТ 11.00 ДА БИЛИМЛАР УЙИНИНГ КАТТА ЗАЛИДА

(Киров кўчаси, 24-уй)

ОЧИЛАДИ

Кооперативлар вакилларини рўйхатга олиш ва союзга кириш истагини билдирганларнинг аризаларини қабул қилиш кооператив реквизитлари билан бирга — соат 9.30 дан бошланади.

Справкалар учун телефонлар — 33-61-54, 33-67-25.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

СИЗЛАРНИ

21 мартдан 21 апрелгача ўтадиган

АССАЛОМ, НАВРЎЗ

номли баҳор байрамига бағишланган

ХАЛҚ САЙЛИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Сайл соат 17.00 дан 20.00 гача К. Маркс кўчасининг пиёдалар қисмида шанба ва якшанба кунлари ўтади.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ШАҲАР БОЛАЛАР МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

25 МАРТ СОАТ 12.00 ДА

«АССАЛОМ НАВРЎЗИ ОЛАМ»

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН БАЙРАМ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: шаҳар ва область бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари, ўзбек дорбоэлари, аскиячи ва қизиқчилар, шунингдек НАВРЎЗ мушоираси бўлади.

Энг ширин «сумалак» таомини тайёрлаганларга байрам мукофоти берилади.

ҲАММА, ҲАММА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА!

«МОСКВИЧ» (АЗЛК) АВТОМОБИЛЛАРИГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БОШ СТАНЦИЯСИДА

КОМИССИОН МАГАЗИН ОЧИЛДИ.

Комиссионга енгил автомобиллар ва барча маркалардаги агрегатлар қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Олмалиқ ҳалқа йўли, 1-уй. Телефон: 98-35-93.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/III да **Севги тумори**, 18/III да **Отелло**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/III да **Зебуннисо** 18/III да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/III да **Нурхон**, 18/III да **Акаука совчилар**.

Кино

17 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТАНИШИШ» (18.30, 20.45, катта зал); «КИЧИК ВЕРА» (17, 19.30, кичик зал).

Чайка — «ҚОЧОҚЛАР» (18.30, 20.45).

Ватан — «ГАНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 21.00).

Нукус — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (18.30, 20.45).

Восток — «ИГНА» (18.30, 20.45).

К. Ёрматов номли — «УЧ МУШКЕТЕР МИСОЛИ» (18.30, 21.00).

Қозоғистон — «ҚОЧОҚЛАР» (18, 19, 20.00).

Москва — «ҚОЧОҚЛАР» (17.20, 19.00); «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЖИНОЯТЧИЛАР УЮШМАСИ» (жуфт соатларда).

18, 19 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТАНИШИШ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, катта зал); «КИЧИК ВЕРА» (12, 14.30, 17, 19.30, кичик зал).

Чайка — «ДИСКЖОКЕЙ» (11.); «ҚОЧОҚЛАР» (12.45 14.30, 16.15, 18.30, 20.45).

Ватан — «ГАНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (12, 15, 18, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Восток — «ИГНА» (11 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ёрматов номли — «УЧ МУШКЕТЕР МИСОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Қозоғистон — «ҚОЧОҚЛАР» (11, 12, 13, 14, 18, 19, 20.00).

Москва — «ҚОЧОҚЛАР» (13.20, 17.20, 19.00); «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (11, 15, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЖИНОЯТЧИЛАР УЮШМАСИ» (жуфт соатларда).

Автомат-жавоб берувчи телефонлар:

Дружба — 67-96-87

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — 53-65-87

С. Раҳимов номли — 48-46-71

Ҳамза номли — 91-11-51

Тинчлик — 58-36-06

Искра — 39-14-59.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИНЖЕНЕРЛИК-ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ ИНСТИТУТИ

шаҳарда пропискда турувчи техниклар, катта техниклар, геодезист инженерлар, топограф инженерларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнатга — чекланмаган миқдорда ишбай тарифда ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Комсомолчилар проспекти, 6-уй

Аҳолини ишга жойлаштириш маркази.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар нловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Тиражи — 15.670

Р — 05650. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б.2074. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 8 9 10